Dehqon elkasiga dunyo tayanar

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 23 февраль. СЕШАНБА, № 11 (5.967). Сотувда эркин нархда

## МИННАТДОРЛИК

Шу йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида рўй берган фожиали ҳодисалар муносабати билан менинг номимга кўплаб хорижик давлатларнинг бошлиқлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, жамоат арбоблари, таниқли фан ва маданият намояндалари, чет эл фирма ва компаниялари вакиллари, минглаб ватандошларимиздан ҳамдардлик туйғулари изҳор этилган мактуб ва телеграммалар келмоқда.

Ўзбекистон бошига тушган мусибатни ўз дарди деб билган, шу оғир дамларда кўнглимизни сўраб, маънавий мадад берган узоқ-яқиндаги барча дўстларимизга халқимиз номидан, қабиҳ ният билан уюштирилган террорчилик хуружи натижасида қурбон бўлган бегуноҳ инсонларнинг ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Марҳумлар хотираси олдида,уларнинг қариндош-уруғлари олдида яна бир бор бош эгиб, бу машъум фожиадан бениҳоя қайғу ва азият чекаётганимизни изҳор этаман.

Содир бўлган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатини ифодалаб, минг-минглаб хат ва телеграммалар, матбуот орқали чиқишларида ёвуз кучларнинг кирдикорларини кескин қоралаган, барчамизни ҳушёр ва сергак бўлишга, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асрашга, ҳимоя қилишга, бепарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймасликка, дўсту душманни таниб олишга даъват этиб фикр билдираётган юртдошларимизга, бутун халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ислом КАРИМОВ**

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўла маъқуллаб, уни қўллаб-қувватлаймиз! Ўзбекистон танлаган йўлга ғов солмоқчи бўлган қора ниятли кучларнинг тажовузкорона кирдикорларини қоралаймиз! Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш учун халқимизнинг тоғдек таянчи бўлган юртбошимиз теварагига янада мустаҳкамроқ жипслашайлик, ҳар бир жабҳада огоҳ ва ҳамжиҳат бўлайлик. Ана шу руҳ Тошкентда 16 февраль куни ёвуз кучлар томонидан содир этилган фожиали ҳодисалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси, тармоққа дахлдор илмий-тадқиқот институтлари, ўқув даргоҳлари вакиллари, меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган йиғилишнинг бошидан охиригача тўла намоён бўлди. Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимиз Истиқлол туфайли тобора ривожланиб, тараққий этиб бораётганлигини кўролмайдиган ғаламислар томонидан портлатишлар содир этилганлиги, бунинг орқасида бегуноҳ кишилар шаҳид кетганликларини қаҳр-ғазаб билан тилга олишиб, ўзларининг нафратларини билдирдилар.

Йиғилишни кириш сўзи билан очган ва уни олиб борган қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ислом Бобожонов, сўзга чиққанлар — «Мева-шарбат» илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бош директори, академик Маҳмуд Мирзаев, вазирлик хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилшода Расулова, ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораторstandardsия мудири Шукур Ибрагимов, вазирлик чорвачилик мажмуаси раҳбарининг ўринбосари — озуқа етиштириш бошқармаси бошлиғи Юрий Шкрябин, меҳнат фахрийси Камолиддин Муҳиддинов, Тошкент Давлат аграр университети ректори Ҳасан Бўриевлар Президентимиз ва ҳукумат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун кўрсатаётган ғамхўрликларга амалий ишлар билан жавоб беришга, ҳар бир масалада собитқадамлик кўрсатишга, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, уларни ақидапарастлардан муҳофаза этишга даъват қилдилар. Йиғилишда сўзга чиққан ҳар бир киши мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида катта кураш кетаётганлигини, истиқлолимиз душманлари ўйлаганидек, ҳозир халқ аввалгидек оломон эмаслигини, балки ўзининг қатъий сўзига ва дадиллигига эга бўлиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга муносиб улуш қўшишга чақирдилар. Йиғилиш иштирокчилари мамлакатимизнинг барча деҳқонлари, чорвадорлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, агросаноат мажмуининг барча ходимларига қарата Мурожаатнома қабул қилдилар.

**С. АЛИЕВ.**

### Мамлакатимиз деҳқонлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси олимлари, агросаноат мажмуи барча ходимларига

## МУРОЖААТНОМА

Азиз юртдошлар!

Мустақил республикамиз пойтахти Тошкентда 16 февраль куни бузғунчи кучлар ва қора ниятли ғаламислар томонидан содир этилган портлатишлар сабабли кўпгина бегуноҳ кишилар шаҳид бўлганлиги ҳамда жароҳатланганлиги ҳақидаги шум хабар нафақат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари халқларини, балки бутун дунёнинг тинчликсевар кишиларини қаттиқ ларзага солди. Бу мудҳиш воқеалар ўз истиқлолига эришиб, тобора тараққий этиб бораётган Ўзбекистоннинг ютуқларини, юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов тинчликсевар сиёсат олиб бориб, унинг обрў-эътибори ва нуфузи бутун дунёда ошиб бораётганлигини кўролмайдиган ёвуз кучлар ҳамда ақидапарастларнинг қора ниятини кўрсатди. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ истиқлол ютуқларини мустаҳкамлаш осон кечмаслигини, турли қарама-қаршиликларга, тинчлик ҳамда барқарорликка таҳдид солувчи кучларга дуч келишимизни қайта-қайта уқтириб, доимо ҳушёр бўлишга, айниқса ёшларни ақидапарастлар уйдирмаларига учиб, уларнинг «тузоғига» тушиб қолишдан асрашга даъват этган эдилар. Юртбошимизнинг огоҳлантиришлари асосли эканлиги маълум бўлди.

Қора кучлар ўзларининг қўпорувчилик ишлари билан халқимизнинг осойишталигига раҳна солиб, одамларимизни қўрқитмоқчи бўлдилар. Лекин улар ўзларининг шум ниятларига ҳеч қачон етолмайдилар. Президентимиз машъум воқеа содир бўлган жойга ўша заҳоти етиб бориб, энг аввало одамларни ваҳимага тушмасликка, осойишталик сақлашга, жипслашишга даъват этдилар. Шу билан бирга жиноятчиларнинг жирканч хатти-ҳаракатларини фош этиш юзасидан шошилинч топшириқлар бериб, уларнинг қилмишлари жазосиз қолмаслигини халққа маълум қилдилар.

Биз — Тошкентда 16 февраль куни содир этилган фожиали воқеалар муносабати билан ўтказилган йиғин иштирокчилари мустақил мамлакатимизнинг барча деҳқонлари, чорвадорлари, қишлоқ хўжалигига дахлдор олимлар, мутахассислар, агросаноат мажмуи ходимларига мурожаат этар эканмиз, Президентимиз, ҳукуматимиз теварагига янада мустаҳкам жипслашишга, истиқлол ютуқларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун белгиланган улуғвор вазифаларни бажаришга, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишга чақирамиз. Ўзининг ғоят кенг миқёсли ишлари ва салоҳияти билан жаҳон ҳамжамиятининг чуқур ҳурмат-эътиборига ва эътирофига сазовор бўлаётган Президентимизга бўлган садоқатимизни ўзимизнинг амалий ишларимизда намоён этайлик. Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган дастлабки кунларданоқ қишлоқ меҳнаткашлари ҳақида тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келаяптилар. Дастлабки пайтларда деҳқон оилаларига ризқ-рўз етиштириш ва уй-жой қуриш учун қўшимча ерлар ажратилган, меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар кўрилган бўлса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида иқтисодийислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Хўжаликларнинг қарзлари кечиб юборилганлиги ёки узоқроқ муддатга кечиктирилганлиги, давлат буюртмаси миқдори йилма-йил, босқичма-босқич камайтириб борилганлиги ва бошқа тадбирлар қишлоқ хўжалиги ривожланиши учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар сирасига киради. Куни кеча юртбошимиз пахта, ғалла етиштирувчиларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаб туриш мақсадида республика Молия вазирлиги тизимида муҳим тадбирлар кўрилаётганлигини маълум қилиб, барча деҳқонларни ғоят мамнун этдилар.

Жаҳондаги ҳеч бир мамлакатда истиқлолга эришиш, мустақилликни мустаҳкамлаш осон кечмаган. Ҳурлик ташқи ва ички ғаламисларнинг хуружига дуч келиб туради. Бу таҳдидларга қарши ўзимизнинг жипслигимиз, аҳиллигимиз, дадил саъй-ҳаракатларимиз билан жавоб беришимиз зарур. Мустақил Ўзбекистон ўзининг доно ва мард йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида танлаган одил ҳамда тараққиёт йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Бутун дунёнинг тараққийпарвар кучлари қўллаб-қувватлаётган ана шу йўлимиздан бизни ҳеч қандай куч қайтаролмайди.

**16 февраль куни Тошкентда юз берган фожиали ҳодисаларга бағишланиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси, тармоқ олимлари ва меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган йиғилиш қатнашчилари.**





**Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси ишчилари ҳозиргача баҳорги экиш учун зарур бўлган барча техника воситалари ва механизмларни сифатли таъмирдан чиқаришди. Ишга шай қилиб қўйилган тракторлар тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилмоқда. Моҳир механизатор Ристой Мамадалиев ўзига бириктилган тракторни муддатидан олди таъмирлади.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Техника жиловкори Ристой Мамадалиев. 2. Таъмирланган тракторлар сифат кўригидан ўтказилмоқда.**

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

## ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШГА БАҒИШЛАБ

Жиззах вилояти пахтакорлари бу йил 10 минг гектар майдонга чигитни плёнка остига экишни режалаштирган. Ўтган йилларда вилоятнинг айниқса Зарбдор, Зафаробод ва Пахтакор туманлари пахтакорлари бу усулнинг самарали эканлигига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилдилар. Масалан, Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ижара ширкатлар бирлашмасида гектар бошига одатдагига нисбатан ўртача 7 центнер кўп ҳосил йиғиштириб олинди.

Шу боис мазкур хўжаликда бу йил вилоятда чигитни плёнка остига экишга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари, МТП ва хўжаликлар раҳбарлари плёнка остида пахта етиштириш тажрибаси билан танишдилар. Шу мақсадда ишлатиладиган сеялкалар иш жараёнини кўздан кечирдилар.

Кенгашда вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев сўзга чиқиб, бу йил баҳор эрта келиши кутилаётгани туфайли чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олишга эришиш масалаларига тўхталди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири**

## МОЛИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Шу йил 20 февралда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Мажлисга вилоят, туман ва шаҳар молия органлари ҳамда назорат-тафтиш бош бошқармасининг тегишли бўлинмалари раҳбарлари таклиф этилди. Унда Ўзбекистон молия органларининг 1998 йилдаги фаолияти якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 16 феврал куни Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири Р. Азимов маърузасида ва мажлис иштирокчиларининг нутқларида 1998 йил мамлакат молия тизимини мустаҳкамлаш йили бўлгани таъкидланди. Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар бўйича бажарилди. Камомад белгиланган кўрсаткичлардан ошмади. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари барқарор ривожланди. «Оила йили» дастурини маблағ билан таъминлашга доир тадбирлар бажарилди.

Шу билан бир вақтда Президент Ислом Каримов томонидан қўйилган талаблар ва белгилаб берилган устуворликлар асосида 1999 йилда молия органлари тизими олдида турган вазифалар тўғрисида гапирилганда, молия органлари фаолиятининг иш услубларини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айтилди.

Ҳайъат мажлисида молия органларининг 1999 йил учун қуйидаги асосий устувор вазифалари белгилаб олинди:

1. Бюджетдан ажратмалар, жумладан иш ҳақи, нафақалар, стипендияларни ўз вақтида тўлаш, шунингдек, бюджетда кўзда тутилган барча ижтимоий дастурларни, хусусан соғлиқни сақлаш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурларини ва бошқа ижтимоий муҳофаза чора-тадбирларини тўла-тўкис молиялаштириш ҳисобидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан режалаштирилган барча тадбирларни сўзсиз бажариш.

Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирлари аниқ мақсадга қаратилишини таъминлаш учун молия органларининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, биринчи навбатда маҳалла қўмиталари билан янада мустаҳкам ҳамкорлик қилиши зарурлиги таъкидланди.

2. Барча босқичларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 11 февралдаги «Бюджет интизомига риоя этиш устидан назоратни кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бюджет интизоми бузилишига қарши муросасиз курашни кучайтириш учун барча зарур шарт-шароитни яратиб бергани айтиб ўтилди.

Шу муносабат билан молия органлари ҳамда назорат-тафтиш Бош бошқармаси бюджет харажатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаши, ҳар қандай босқичда бюджет интизоми бузилишига қатъий чек қўйиши лозим.

3. Даромадларни ва солиқ тушумлари йиғими тўлалигини прогноз қилиш ишида солиқ органлари билан ҳамкорлик қилиш ва бу ишда қаттиқ назорат ўрнатиш.

Шу муносабат билан бюджет харажатларини режалаштиришнинг меъёрий усулини тайёрлаш ва унга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари белгиланди.

4. Етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил этилган «Давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш фонди» орқали бўнаклар ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш.

5. Давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида бу мол-мулкни самарали сотиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг давлат улуши бўйича дивидентларидан бюджетга даромадлар тўла-тўкис тушишини таъминлашни назарда тутиб, молия органларининг мавқеини ошириш.

6. Вино-арақ ишлаб чиқарувчи корхоналарда, ёғ-мой комбинатларида, ун комбинатларида ва нефт базаларида акциз солиғи тўла тушумини таъминлаш, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш чоғида тартиб бузилишининг олдини олиш мақсадида Молия вазирлиги молия инспекторлари ишини тубдан такомиллаштириш.

7. Инвестиция дастурларини амалга ошириш ҳамда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш дастурини молиялаштиришни сўзсиз бажариш жараёнига молия органларини фаол жалб этиш.

8. Аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йил доирасида қабул қилинган дастурларни маблағ билан тўла-тўкис таъминлаш.

Шунингдек ҳайъат мажлисида молия органлари тизимини ташкилий жиҳатдан ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилди ва қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

— Банклараро минтақа ўқув макразида, банк-молия академиясида, шунингдек, етакчи хорижий молия институтлари ва ўқув юртларида молия органлари тизими ходимларини оммавий равишда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

— Молия вазирлиги ахборот-ҳисоблаш марказини қайта ташкил этиш асосида маълумотларни компьютерда ишлаш ва умумлаштириш республика ахборот тизимини барпо этиш;

— Мамлакат молия соҳасини ривожлантириш муаммолари бўйича таҳлил, фаразлаш ва тадқиқот маркази сифатида молия ва нарх илмий-тадқиқот институтининг мавқеини кучайтириш;

— Молия органлари тизимининг, айниқса туман бўғинининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Мажлис иштирокчилари молия органлари тизимининг ходимлари 1999 йилдаги вазифаларнинг муҳимлигини тўла тушуниб, тизим зиммасига қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлаш учун зўр ғайрат билан меҳнат қиладилар, деб ишонч билдирдилар.

**(ЎзА).**

## СЕНИ ОЛОЛМАЙДИ ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҒАНИМ!

*(16 февраль куни Тошкентда юз берган воқеалар таъсирида)*

*Гўзал Ўзбекистон сенсан Ватаним,*
*Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним.*
*Бепоён бағрингда улғайди таним,*
*Озодлик байроғин асрашим тайин.*

*Мустақил юртимсан, буюк юртимсан,*
*Чаманлар, боғларга тўлиқ юртимсан,*
*Муҳаббати, меҳри бўлиқ юртимсан,*
*Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним.*

*Юртбошинг, элбошинг сенга парвона,*
*Жасур ўғлонларинг кучли мардона,*
*Латофатда танҳо ўзинг жаҳона,*
*Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним,*

*Элим деб, юртим деб ёниб яшайман,*
*Тупроғинг кўзимга суртиб яшайман,*
*Ардоқлайман номинг, суйиб яшайман,*
*Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним.*

*Келажагим ўзинг, иймоним ўзинг,*
*Инсоний ғурурим, виждоним ўзинг,*
*Қалбимдан жой олган Исломим ўзинг,*
*Сени ололмайди ҳеч қандай ғаним!*

**Раъно СОЛИЕВА,**
**миллий рақс ва хореография Олий мактаби ўқитувчиси.**
**1999 йил, 20 февраль.**

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАҲНА СОЛИШОЛМАЙДИ

16 февраль куни Тошкент шаҳрида мустақил юртимиз душманлари томонидан содир этилган қўпорувчилик ҳаракатини қаттиқ қоралаймиз. Биз ишонамизки, давлатимиз равнақи йўлида олиб борилаётган сиёсат албатта ғалаба қилади. Ўзбекистонда Президент аллақачон барқарорлик, адолат рамзига айланиб бўлган. Биз туман фермер хўжаликлари юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун ўзимизнинг бор куч-ғайратимизни, маҳоратимизни, меҳнатимизни янада жипслашган ҳолда давом эттирамиз. Негаки, шу мустақиллик туфайли фермер бўлдик, мулкка эга бўлдик. Биз террорчилар тажовузини янги мулкдорларга нисбатан ҳам хуруж сифатида тушунамиз.

**Абдуолим МАМАРАҲИМОВ,**
**Арнасой туманидаги «Миршкор» фермер хўжалиги раиси.**

* * *

Инсоният тарихида ўтиш даврида халқ йўлига тўғон бўлган кимсалар учраши табиий бўлиб, улар кўпчилик эришган ютуқдан куюниб, муваффақиятсизликдан суюнадилар. Мақсадларига етишолмай, кўзларидан ёш ўрнига қон оқади. Юрт чиройига айланган энг кўркам жойларга зарар келтирадилар, ўз ота-она ва болаларининг юрагини қонга белайдилар. Душманларимиз кўрдики, ожизликлари фош бўлди. Ёш авлодни ўзларига оғдиришолмади. Ниҳоят куч ишлатишдан бошқа йўл топишолмади. Лекин барибир адолат ғалаба қилади. Юртбошимизнинг мардлиги ва тантилигига бутун дунё тан берди. Белни маҳкам боғлаб бошланган эзгу ишларни давом эттираверсинлар. Халқ учун дадил раҳбар, обод-озод Ватан керак.

**Рўзимаҳмат КАРИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани, Амир Темур кўчаси, 18/1-уй, 70 ёшли пенсионер, ҳозирда деҳқон хўжалиги ишчиси.**

## Боғлар асл соҳибкор тасарруфида бўлсин, шартнома ижроси қонун назоратида турсин

# ИЖАРАЧИ МАСЪУЛИЯТИ

Бувайда туманининг «Оққўрғон» жамоа хўжалиги турли ноз-неъматларга бойлиги билан республикада оғизга тушган. Бу заминнинг олтинранг анжири, субхони, жабазак, қандак ўриклари, «Лоларанг», «Чемпион», «Марғилон луччаги», «Отёғи» каби шафтолилари, оғизга тушса эрийдиган нокларининг таъриф ва тавсифи бир достон. Фидойи меҳнат эвазига ана шундай мазали меваларни етиштираётган боғбон-соҳибкорларнинг ҳузурида бўлиб, уларнинг ютуқлари, янги йил режалари, муаммолари билан танишдик.

Табиат шайдоси Холдорали Бойқўзиев етакчилик қилаётган бригада ижарачилари ўтган йили хўжаликнинг 52,8 гектар майдондаги данакли ва уруғли мева дарахтларини, сариқ анжир, ҳусайни узумларни яхши парваришлаб, каттагина даромад олдилар. Миришкорлар 3,5 гектар майдондаги уруғлик меванинг гектаридан 68,6 центнердан, 31,7 гектар майдондаги данакли меваларнинг гектаридан 50,3 центнердан, 15,6 гектар анжирзорнинг гектаридан 52,3 центнердан ҳосил топширдилар. Ижарачиларнинг боғлардан олган 267,6 тонна мевасининг бир қисми Учкўприк ва Оққўрғон консерва заводларида қайта ишланди. Бир қисм мевалар туман деҳқон бозорига етказиб бериб турилди. Ижарачилар шартнома режаларини ошириб бажаргач, ўз оила аъзоларини ҳам зарур мева-чевалар билан таъминлаб туришга муваффақ бўлмоқдалар. Хўжалик боғларидаги данакли мевалардан 4 миллион 229 минг сўм, анжирдан бир миллион 258 минг сўм фойда кўрди, соҳанинг рентабеллик даражаси анча ортди.

Боғларни кунт-хафсала билан сифатли парваришлаган, ҳашаротларга ўз вақтида қирон келтирган миришкор ижарачилар, хўжаликнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори ҳосил олишга ва мўмай даромад топишга эришмоқдалар. Ўз касбининг устаси Мирзааҳмад Маҳкамов ўтган йили 0,55 гектар анжир ва ўрикдан 55 центнердан юқори ҳосил олиб, 58530 сўм даромад қилган. Тадбиркор ижарачи Йўлдошали Тўхтаназаров 0,39 гектар анжирдан 60 центнердан ҳосил йиғиб-териб топшириб, 48650 сўм даромад келтирган. Тажрибали деҳқон Расул Раззоқов 0,76 гектар боғдан 4180 килограмм уруғли мева топшириб, 75300 сўм даромад олган. Хўжаликда бундай миришкор боғбонлар талайгина. Мевали дарахтларни агротехника усулларида яхши парваришлаётган 118 нафар ижарачилар шартнома режаларини бажаришга эришган.

— 1999 йил — Аёллар йилида ижарачиларимиз 33 гектар мевали боғ ва 16 гектар анжир, 2 гектар узумнинг ҳар гектаридан 55-60 центнердан сифатли ҳосил топшириш ниятида мевали дарахтларнинг қаровини яхши бошлаб юбордилар, — дейди боғ бригадири Холдорали Бойқўзиев. — Кузда дарахтларнинг таги майин юмшатилиб, қишда яхоб сувига тўйдирилди. Ҳар соҳанинг ўз сирлари бўлгани каби, мўл ҳосил берадиган боғни етилтиришнинг ҳам ўз машаққатлари бор. Қиш фаслида ижарачилар ариқларни тозалашди, боғга солиш учун маҳаллий ўғит жамғаришди. Гўнг аралаш тупроқ дарахт илдизларига қувват бағишлайди, мева сархил бўлади. Айни пайтда данакли мева дарахтларининг қуриган, пастга ўсган шохлари қирқиб ташланиб, шакл берилмоқда. Пўстлоқ орасидаги баъзи ҳашаротларни йўқотиш ва қуёш нурида қовжирамаслиги учун дарахтларнинг пастки қисми оқлаб қўйилмоқда. Февраль ойи давомида 4750 туп мевали дарахтлар бир карра кўздан кечирилиб, парвариш қилинади.

Қишда совуқдан асраш мақсадида 9 минг туп анжир, минг туп узум кўмилган эди. Ҳозир анжир ва узумларнинг танаси пешма-пеш очилиб, шохлари қирқилмоқда, узумлар симбоғларга кўтарилади, анжирларга тиргаклар қўйилади. Бу йил қишда қор кам ёғди, илиқ ҳавода дарахтларнинг ҳосил тугунчалари кўп бўлди, уни тўлиқ асраб қолиш учун қўшимча агротехник тадбирларни ўтказмоқдамиз, ер шароитига қараб боғларга фосфорли минерал ўғит ва гўнг солинмоқда.

Боғ ва токзорларда зараркунандаларга қарши кураш мўл ҳосил гаровидир. Ҳашарот тушган дарахтнинг меваси бемаза, сифатсиз бўлади. Шунинг учун ҳашаротларга қарши қўл аппаратларида тавсия қилинган кимёвий дориларни сепмоқдамиз. Аммо қўлда қилинган ишнинг унуми кам бўлади. Аслида кимёвий дориларни трактор аппаратида сепиш унумли бўларди. Афсуски, хўжаликда «ОВХ» пуркагич етишмайди, битта трактор қишлоқ хўжалик ишларидан ортмаяпти. Бу йил туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилоти билан шартнома туздик. Ҳашаротларга қарши курашиш учун улардан техника ёрдами оламиз.

Анжирдан юқори ҳосил олиш учун унинг танаси, шохлари артезиан сувида тез-тез ювиб турилади. Бўлмаса анжирга қурт, ўргимчаккана тушади, чанг босади. Анжир танасини баҳорда сув билан икки маротаба ювамиз, июль-август ойларида камида ўн марта анжир танаси сувда ювилади. Боғбонларимиз ёзда ҳар куни ишни эрталаб анжир ювишдан бошлайдилар. Анжирдан юқори ҳосил олишнинг яна бир муҳим тадбири ўз вақтида суғоришдир. Бу дарахт сувни ёқтиради, ёзда ҳар 2-3 кунда суғориб турамиз.

Анжир серҳосил дарахт, боғ қилганлар зарар кўрмайди, йилига икки мартаба ҳосил беради. Июлда хока анжир пишади, август-сентябрь ойларида кузги анжир етилади, ижарачилар кўчатни ўзлари етиштиришади, ҳар йили хатосига анжир кўчати экиб, гектарларнинг тўлалигини таъминлашади. Бу йил 1,5 гектар майдонга 800 туп олма кўчати экиб, янги боғ ташкил қилдик. 33 гектар боғнинг қуриган дарахтлари ўрнига ўрик, шафтоли кўчатлари экилиб, тўлдирилди.

Боғи борнинг қорни тўқ, усти бут бўлади. Кўчат экиб, янги боғлар яратайлик, мавжуд боғларнинг сифатли парвариши эртанги кунимиз ризқ-насибасидир.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

***Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган ажойиб мақол бор. Бўз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси Бўлишбой Мирзакаримов ўз ҳаётини боғбонликка бағишлаган инсонлардан. У киши умри давомида ўнлаб гектар майдонларда боғ яратди. Хўжаликда у кишининг боғидан мева тановвул қилмаган одам йўқ десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда Бўлишбой ака ўз тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда.***



***СУРАТДА:** тажрибали боғбон Б. Мирзакаримов набираси Бунёдбекка ўз касбининг сирларини ўргатмоқда.*

*Х. АРАББОЕВ олган сурат.*

### ЁШЛАР УЧУН

**Қизилтепа туманининг Тошпулат Ҳамид номидаги маҳалласида келажагимиз ворислари — ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун ҳашар йўли билан «Ёшлар боғи» барпо этилди. Эндиликда улар дарсдан бўш вақтда шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, теннис каби спорт турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди. Бу ерда маънавият ва маданиятни юксалтиришга бағишланган суҳбатлар, учрашувлар, савол ва жавоб кечалари ҳам ўтказилади.**

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

# ТАРМОҚНИ ЎНГЛАШ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ

***Яқинда «Мева-шарбат» илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг Самарқанд туманида жойлашган бўлимида Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари боғбонлари ва соҳибкорларнинг илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари «Бозор иқтисодиёти шароитида республика боғдорчилик ва узумчилик соҳаларини ривожлантириш ва сифатли маҳсулот етиштириш омиллари» мавзусида фикр юритдилар. Унда шу кундаги долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар муҳокама қилинди. Кенгаш аъзолари дастлаб боғ ва токзорларга ишлов беришда қўлланилаётган техника воситаларининг иши, дарахтларга шакл бериш билан танишдилар. Семинарда республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг мутахассислари, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг раҳбарлари, вилоятлар «Мевасабзавот» бирлашмалари бошлиқлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бош ҳосилотлари қатнашдилар.***

Мамлакатимизда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш учун ниҳоятда катта имкониятлар мавжуд. Юртимизнинг иқлим шароити, тажрибали боғбонлар, соҳибкорлар, сабзавоткорларнинг омилкорлиги тармоқни ривожлантиришда ниҳоятда қўл келади. Шу билан бирга соҳада ҳукуматимиз томонидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1997 йил июль ойида мева-сабзавот соҳасини монополиядан чиқариш ва унда хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида маҳсулот етиштириш ва уни экспорт қилишни кўпайтириш мақсадида «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясига айлантирилганлиги, шунингдек, вилоятларда «Мевасабзавот» бирлашмалари ташкил этилганлиги фикримизнинг далилидир. Айни пайтда 353 минг гектар ерда боғ ва токзорлар мавжуд бўлиб, улардан 145 минг гектар боғ ҳамда 100 минг гектар токзор ҳосилга кирган.

Лекин кейинги пайтда боғ ва токзорларда ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши рўй бермоқда. Бундай ҳолни республикамизнинг деярли барча вилоятларида кўриш мумкин. Мисол тариқасида Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларини олиб кўрайлик. Йилдан-йилга боғ ва токзорларнинг майдони ошиб борган, лекин улардан олинган ҳосилдорлик, етиштирилаётган маҳсулот ҳажми эса камайиб кетган. Масалан, Навоий вилоятида 1995 йили боғдорчиликда 2,4 минг гектар ер бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йили 2,8 минг гектарни ташкил қилган. Ҳосилдорлик 1995 йили 29,4 центнер бўлиб, 3,9 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган. 1998 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар 27,1 центнер ва 3,8 минг тоннани ташкил қилган. Узум етиштиришда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Энди Бухоро вилояти токзорларидаги кўрсаткичларни таҳлил қилайлик. Ток экилган майдонлар ошиб борган. 1995 йили ҳар гектар ердан 52,4 центнер узум, ҳаммаси бўлиб 30 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткичлар 19 центнер ва 11,2 минг тоннани ташкил қилди. Боғдорчиликда ҳам худди шундай аҳвол юз берди. Самарқанд вилоятининг боғдорчилигидаги аҳволни олиб кўрайлик. 1995 йили соҳа учун 14,4 минг гектар ер ажратилган бўлса, у йилдан-йилга ошиб борган, 1995 йили гектаридан 36 центнердан, ҳаммаси бўлиб эса 33,7 минг тонна мева етиштирилган. 1998 йилга келиб эса бу кўрсаткичлар 18,1 центнер ва 17,9 минг тоннани ташкил қилган.

Фақат вилоятнинг Самарқанд туманида кўрсаткичлар ўсиб борган. Боғбонлар ва соҳибкорлар ҳосилдорликни кўпайтириб борганлиги боис маҳсулот умумий ҳажми камайиб кетишига йўл қўйилмаган. Айниқса, узумчилик бўйича «Дўстлик», «Ғалаба» ва «Наврўз» хўжаликларининг кўрсаткичлари нафақат туманда, балки вилоятда ҳам ибратлидир.

Боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликда ишнинг орқага кетишига асосан нималар сабаб бўлмоқда? Назаримизда, бу ерда бир қатор сабаблар бор. Масалан, ток ва мевали дарахтларга ишлов бериш технологиясининг бузилиши, уларга етарли даражада маҳаллий ва минерал ўғитнинг солинмаслиги, касаллик ва зараркунандаларга қарши қониқарсиз курашишни ва бошқа бир қатор сабабларни кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга кейинги вақтда тармоқда меҳнат қилаётган тажрибали, ишнинг кўзини биладиган, уддабурон боғбонлар, соҳибкорлар ва сабзавоткорлар турли сабабларга кўра бошқа ишга ўтиб кетишди. Натижада кадрлар масаласи ҳам муаммо бўлиб қолди. Тўғри, ҳозир мазкур камчиликларни бартараф этиш, тармоқдаги раҳбар ва мутахассисларнинг жавобгарлигини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин кўрилаётган чора-тадбирлар, назаримизда, шу бугуннинг талабига жавоб бермайди.

Иш юритишда истиқболли ҳисобланган ижара усулини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб кўрайлик. Шартномага кўра ҳар бир хўжалик ўзидаги боғ ва токзорларни ўн йил ёки ундан ҳам кўп муддатга хўжалик йиғилишида конкурс йўли билан ишни яхши биладиган миришкорларга ижарага беради. Шартнома ҳар йилнинг бошида қайта кўриб чиқилиб, унга ўзгартишлар киритилиши мумкин. Боғ ва токзорлар узоқ муддатга ижарага, яъни ҳақиқий эгасига берилмоқда. Ижарага олган киши унга худди ўзининг боғига қарагандай муносабатда бўлиши керак.

Лекин ҳали ҳам бу борада кўпгина тўсиқларга дуч келинмоқда. Баъзи хўжалик раҳбарлари ижара пудратининг моҳиятини тўла тушуниб етмаяптилар. Шу боис боғ ва токзорларни ижарага бермасликка ҳаракат қилишаяпти. Шу билан бирга бу ерда бошқа сабаблар ҳам борлиги туфайли ҳозиргача яхши натижаларга эришиш қийин бўлаяпти. Шунингдек, тармоқда оилавий пудратнинг ҳам аҳамияти катта.

Ҳосилдорликни оширишда ишлов беришни сифатли ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ўз вақтида ишлов берилса, ҳосилдорлик бир ярим-икки баравар ошиши тажрибада исботланган. Мўл ҳосил олишнинг омилларидан яна бири, боя юқорида таъкидлаганимиздек, касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишдир. Агар ушбу тадбир ўз вақтида ўтказилса, ҳосилдорлик 20-25 фоизга, талабга жавоб берадиган маҳсулот етиштириш эса 70 фоизгача ортади.

Боғ ва токзорларни кенгайтиришнинг имкониятлари кўп. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатаяптики, тармоқни асосан суғориладиган ва шартли суғориладиган ерларда ҳам ривожлантириб, 150-200 центнердан ҳосил олиш мумкин. Мазкур ҳудудларда ишчи кучи етарли бўлиб, узумнинг қимматли навларини, данакли, субтропик меваларни етиштириш мумкин. Бундай ерларга Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудлари, Бўстонлиқ, Паркент туманлари ва Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларининг тоғли қисмлари киради.

Республикамизда инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган резавор меваларни кўпайтириш, уларни аҳоли дастурхонига етказиб бериш ва меваларни қайта ишлаб, консерваларнинг турини кўпайтиришнинг имкониятлари ниҳоятда кўп. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида малина, смородина, қулупнай ўсимликларини экиб, улардан мўл ҳосил олиш мумкин. Бу борада ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш зарур.

Аҳолининг витаминли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишда сабзавотчиликнинг ҳам аҳамияти катта. Ушбу маҳсулотларни етиштиришнинг кўпайиб бориши нафақат аҳолининг унга бўлган талабини қондиради, балки қайта ишлаш корхоналари қувватидан ҳам тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Лекин кейинги йилларда баъзи ўринсиз сабабларга кўра сабзавот етиштириш ҳам камайиб кетаяпти. Энг ёмони, улар учун ажратилган ер майдони ҳам озайишини кузатиш мумкин. «Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг» тизимида 1995 йили 53,1 минг гектар ерда сабзавот экинлари етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич бир йилдан кейин 14,1 минг гектарга камайди. Фақат 1997 йилдан кейин соҳага эътибор кучайди. Натижада ер майдонлари ҳам кенгайди. Ўтган йили 41,6 минг гектар ерда сабзавот маҳсулотлари етиштирилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири**

# КЎЗБЎЯМАЧИ АВВАЛО ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот самараси хўжаликлар, тармоқ корхоналарида шу жабҳага тааллуқли қонунчиликка нечоғли амал қилинаётгани билан узвий боғлиқдир. Деҳқонми, фермерми, хўжалик раҳбарию, ҳокимми барчаси қонунларни билмоғи, унга сўзсиз итоат қилмоғи даркор. Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларини моҳиятан англамоқ ғоят муҳимдир. Юқори минбарларда қайта-қайта такрорланганидек, қонун доирасида иш тутган ҳеч қачон доғда қолмайди.

Прокуратура идоралари томонидан қишлоқ хўжалигида қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари бажарилиши юзасидан мунтазам текширишлар ўтказиб борилмоқда. Афсуски, айрим ҳолларда қонунчилик ижросидан кўнгил тўлмаётир. Қашқадарё вилояти прокуратураси томонидан тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил ҳосили учун кузги-қишки агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан туманларда текширишлар ўтказилди. Қарорда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, «Агромашсервис» бирлашмаси, агросаноат мажмуини бошқаришнинг бошқа органлари 1999 йил ҳосили учун агротехникага мувофиқ сифатли шудгорлашни бешинчи декабргача тугатиш кўзда тутилганди.

Статистика маълумотларида вилоятдаги мавжуд 161 минг 893 гектар майдон шудгор қилингани кўрсатилган. Декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида Нишон туманидаги хўжаликлардаги шудгорлаш аҳволи ўрганиб чиқилганда, маъсулиятсизлик ва кўзбўямачилик ҳоллари фош этилди. «Оқ олтин» жамоа ширкат хўжалигида мавжуд 1800 гектар майдоннинг борйўғи 978 гектари шудгорлангани аниқланди. Хўжалик раҳбари А. Эшбоев наҳотки «ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган нақлни унутган бўлса. Бу аҳволда 1999 йили ҳосили нима бўлади? «Ойдин» хўжалигида ҳам аҳвол ачинарли. Мавжуд 1240 гектар майдоннинг 771 гектари шудгор қилинди, холос. Хўжалик раҳбари О. Бердиев эса баҳона қидиришдан нарига ўтмайди. Гўёки техника етишмайди, эскириб «таъмирталаб бўлиб қолган» қабилидаги баҳоналар рўкач қилинади. Ғанимат фурсат бой берилиб, бўлажак ҳосил учун замин ярата олмаган раҳбар фаолиятини қандай баҳолаш мумкин?

Косон туманидаги «Пистали» жамоа-ширкат хўжалигида 98 гектар, Улуғбек номли жамоа ширкат хўжалигида 76 гектар, Ғузор туманидаги «Батош» хўжалигида 84 гектар, О. Кўчкинов номли жамоа-ширкат хўжалигида 76 гектар майдон йил охиригача шудгор қилинмаган. Касби, У. Юсупов туманларида ҳам бундай кўнгилсиз ҳол мавжудлиги аниқланди. Энг ачинарлиси, бажарилмаган ишларни бажарилди қилиб кўрсатиш, сохта обрў орттириш мақсадида ҳисоботларни бузиб кўрсатиш кўзбўямачиликнинг ўзи-ку? Наҳотки, касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деган нақлни унутган бўлсалар?

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Экинларни пайхон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ҳам мунтазам текширишлар ўтказилмоқда. Айниқса, жойларда пайхонгарчиликнинг олдини олиш юзасидан кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоятда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг саъй-ҳаракатлари туфайли пайхонгарчилик бўйича аниқланган ҳар бир ҳолат атрофлича ўрганилиб, айбдорларга жазо чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили экинларни 492 марта пайхон қилиш ҳоллари аниқланганди. Фуқароларнинг 1532 бош майда ва йирик шохли қорамоллари 17,8 гектар экин майдонини пайхон қилиб юборди. Айбдорлардан 341 минг сум жарима ундирилди. Масалан, Касби туманидаги «Наврўз» жамоа ширкат хўжалиги биринчи бўлими ҳудудида фуқаро Нордавлат Жабборовга тегишли қорамол бир гектар экинзорни пайхон қилиб хўжаликка 7491 сўм моддий зарар етказди. Етказилган зарар ундирилди, айбдор жарима тўлади.

Далага чиқиб кўм-кўк буғдойзорларга қараб кўзингиз қувонади. Ризқу-рўзимиз яратилаётганини кўриб ғурурланасиз. Ҳадемай баҳор эшик қоқиб, буғдойзорлар ривожига-ривож қўшилади. Шу дамларда айниқса буғдойзорлар пайхон қилинишининг олдини олиш аҳамиятли. Бугунги майса бошоққа айланиб, дастурхонимизни нонга тўлдиришини тасаввур қила билганлар, бир дона кўчат тақдири учун ҳам бефарқ қарамайдилар.

«Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги,

## Қарорлар қандай бажарилмоқда?

«Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимиз фармонлари бажарилиши юзасидан прокурорлик назорати кучайтирилмоқда. Дебитор ва кредитор қарзлар миқдори камайтирилаётир. Ўтаган йилни зарар билан якунлаган корхона ва хўжаликлар тақдири ҳам ташвишли. Шаҳрисабз «Кумуш» ҳиссадорлик жамияти 142 миллион, Ўзбекистон — Британия «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси 29 миллион 247 минг, Баҳористон туманидаги С. Муродов номли жамоа ширкат хўжалиги 23 миллион 198 минг, У. Юсупов туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги 21 миллион 192 минг, Чироқчи туманидаги С. Тўраев номли жамоа хўжалиги 6,5 миллион сўм зарар билан йилни якунлаганини қандай баҳолаш мумкин? Бу зарарлар ўрни қачон қопланиб, иқтисодий инқирозга юз тутган корхона ва хўжаликлар қачон оёққа туради?

Айрим корхоналарда дебитор ва кредитор қарзлар миқдорини камайтиришга панжа орасидан қаралмоқда. Масалан, «Нишон-132» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида масъул мансабдор шахслар ўз вазифасига совуққонлик билан муносабатда бўлишмоқда. Ҳиссадорлик жамиятида ҳамон икки томонлама шартномаларсиз хизмат кўрсатиб келинаётир. Дебитор қарзлари кўпайиб бораётир. Қарзларни ундириш муддатлари ҳам ўтиб кетаяпти. Жамият бош ҳисобчиси Бозор Мирзақуловга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жавобгарликка тортилди.

Қарши шаҳридаги «Мафтуна» хусусий савдо дўконида ва «Улуғбек Қаҳҳор ўғли» хусусий фирмасида тўлов интизомига риоя қилиниши аҳволи текширилди. Фуқаро Неъмат Хидиров «Улуғбек Қаҳҳор» ўғли» фирмаси директори вазифасида ишлаб келиб «Тадбиркорбанк»нинг Қарши шаҳар бўлимидан 1995 йил 7 августида бир миллион сўмлик қисқа муддатли кредит олади. Кредит суммасини бир қанча фирма ва корхоналарга ҳар хил товар олиш учун ўтказиб, олинган товар бойликларни фирма ҳисобига кирим қилмасдан, ўзлаштириб талон-торож қилади. Натижада, «Тадбиркорбанк» бўлими манфаатига 802 минг 80 сўмлик зарар етказади. Бундан ташқари «Мафтуна» савдо дўконида сотилган 567 минг 488 сўмлик пул ва моддий қийматликларни ўзига ўзлаштириб талон-торож қилади. У қилмишига яраша жазо олиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Нефть маҳсулотларининг тежамли ишлатилиши ҳамда сақланишига доир қонунчилик ижроси ҳам мунтазам назоратга олинган. Нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси ва унга қарашли тизимлардаги хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишларда бир қатор хато ва камчиликлар аниқланмоқда. Айрим ҳолларда ўзганинг мулкини талон-торож қилишга йўл қўйилаётир. «Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладур», деганларидек, қармоққа илинганлар сири фош этилмоқда. Вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонасига қарашли Косон нефть маҳсулотлари базаси омбор мудири Чори Худойбердиев ҳам қинғир ишга қўл урди. У 47 минг 551 килограмм керосинни моддий жавобгарлигига қабул қилиб, туман халқ таълими бўлимига қарашли ўрта мактабларга тарқатишда жами 519 минг 431 сўмлик 19 минг 89 килограмм техник керосинни ўзига олиб қолиб, ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкини талон-торож қилган. У қонун олдида қилмишига яраша жазосини олди.

Айрим хўжаликларда ҳам нефть маҳсулотларини сақлашда масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда, талон-торож қилинмоқда. Масалан, Нишон туманидаги А. Қодирий номли жамоа ширкат хўжалиги ёнилғи-мойлаш материаллари омборида текшириш ўтказилганда қинғир ишнинг қийиғи чиқиб қолди. Омбор мудири Бахтиёр Бойтўраев туман қишлоқ хўжалиги техника таъминоти корхонаси «Магнум» тракторлари механизаторлари Йўлдошев, Жабборов, Аллаев, Сариқуловлар томонидан олинган 3 дона ёнилғи тарқатиш ведомостларини ўзгартириб, 3420 литр 52 минг сўмлик дизель ёнилғисини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади. Олғир омбор мудири қармоққа илиниб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Шуни унутмаслик кераккки, қинғир иш доимо ташвиш келтиради. Қачонки қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишга қаратилган амалдаги қонунлар талаблари жойларда тўлиқ бажарилса, натижа самарали бўлади. Тармоқда бу борадаги прокурорлик назорати кучайтирилаверади.

**Ғуломжон ШУКУРОВ,**
**Республика Прокуратураси Умумий назорат бошқармаси катта прокурори.**
**Илҳом ХОЛДОНОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи.**
**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» махсус мухбири.**

